

"Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси " акцидорлик жамияти акциядорларининг 2017 йил 29 июнь навбатдаги йиллик умумий йиғилиши БАЁННОМАСИдан кўчирма.

Йиғилиш ўтказилган жой: Андижон шаҳри, А.Хайдаров кўчаси 53- уй.

Йиғилиш ўтказилган сана: 2017 йил 29 июнь, соат 10-00.

Йиғилиш тури: Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши.

Жамият томонидан чиқарилган жами акциялар сони 1 764 590 дона,
шундан:

Эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар – 32 650 дона;

Эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – 1 731 940 дона.

Йиғилишга қатнашганлар:

1. Шамсиев Х.А. – “Узэлектртармок” УК бош директорининг ўринбосари «Ўзбекэнерго» ДАК вакили (28.06.2017 йилдаги РМ-01-21/4599-сонли ишончномага асосан) 1 689 960 дона оддий акциялар эгаси ва 97.57 % овоз бериш ҳуқуқи билан;

Таклиф қилинганлар:

Ибрагимова Г. Кузатов Кенгаши аъзоси;

Ижроия органи аъзолари.

«Андижон ҲЭТК» АЖ жами овоз берувчи акциялари 1 731 940 донадан иборат. Рўйхатга олиш жараёнида жамиятнинг 1 689 960 дона акция эгалари рўйхатга олиниб йиғилиш кворуми 97.57 фоизни ташкил этди. (Санок комиссиясининг баёни).

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият кузатов кенгаши раисининг 2016 йил якунлари ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи.
2. Жамият бош директорининг 2016 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича йиллик бизнес режасининг асосий параметрларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамият тафтиш комиссиясининг 2016 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2016 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг 2016 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижа(фойда ва зарар)ларини тасдиқлаш.
6. 2016 йил натижалари бўйича жамиятнинг имтиёзли акцияларига дивиденд тулаш тартибларини тасдиқлаш.
7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қўшимча акциялар чиқариш йўли билан жамият устав фондини ошириш.
8. “Ўзбекистон республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси” ҳузуридаги давлат активларини бошқариш марказининг жамият кузатов кенгаши аъзолигига кўрсатган номзодини тасдиқлаш.
9. “Ўзбекэнерго” АЖнинг жамият Кузатов кенгаши аъзолигига кўрсатган номзодларини тасдиқлаш.
10. “Ўзбекэнерго” АЖнинг жамият тафтиш комиссияси аъзолигига курсатган номзодларини тасдиқлаш.
11. “Ўзбекэнерго” АЖнинг жамият тафтиш комиссияси аъзолигига курсатган номзодларини тасдиқлаш.
12. 2017 йил якуни бўйича тузилган жамият молиявий ҳисоботларини миллий ҳамда халқаро аудит стандартларига асосан текширувидан утказиш, жамият самарадорлигининг

мухим кўрчаткичлари ва самарадорликнинг йигинди кўрсаткичлари, уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдори текшириш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини тасдиқлаш.

13. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси(структураси)га тавсия қилинаётган ўзгартириш ва кўшимчаларни тасдиқлаш.

14. Жамиятнинг «Ижро органига номзодларни танлаш тартиб қондаси тўғрисида»ги Низом, «Кузатув Кенгаши, Тафтиш комиссияси ва Ижро органини рағбатлантириш тўғрисида»ги Низом», «Санок комиссияси тўғрисида»ги Низомларини тасдиқлаш.

Кун тартибида кўриб чиқилган масалалар бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда овоз бериш натижаларига кўра умумий йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жамият кузатув кенгаши раисининг 2016 йил якунлари ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Жамият бош директорининг 2016 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича йиллик бизнес режасининг асосий параметрларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлансин.

3. Жамият тафтиш комиссиясининг 2016 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлансин.

4. Жамиятнинг молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган ташқи аудиторлик текшируви ҳисоботи ва ҳулосалари тасдиқлансин.

5. Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг 2016 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижа(фойда ва зарар)ларини тасдиқлансин.

6. Жамиятнинг 2016 йил натижалари бўйича имтиёзли акцияларига дивидендларни тўлаш захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида, акция номинал қийматининг 25 % миқдорида яъни бир дона акцияга 1250 сум ёки жами 40 812 500 сум йуналтирилсин. Ушбу тўлов 2016 йил 29 июндан 27 августгача амалга оширилсин.

6.1. Ушбу қарор бажарилишини таъминлаш ижро органига зиммасига юклатилсин.

7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан кўшимча акциялар чиқариш йўли билан жамият устав фондини ошириш масаласи акциядорларнинг кейинги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилсин.

8. “Ўзбекистон республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси” ҳузуридаги давлат активларини бошқариш марказининг жамият кузатув кенгаши аъзолигига кўрсатган номзодини сайлаш учун овоз берилмаганлиги инобатга олинсин.

9. «Андижон ХЭТК» АЖ Кузатув кенгаши аъзолигига қуйидаги таркиб сайлансин:

№	Исми ва фамилияси	Асосий иш жойи	Лавозими
1	Ходжаев Шерзод Хикматуллаевич	«Энергосотиш» филиали	директор

2	Махмудов Нурилло Махсутжонович	«Энергосотиш» филиали	бўлим бошлиғи
3	Эркаев Дилшод Мавлянович	«Энергосотиш» филиали	бўлими бошлиқ ўринбосари
4	Шамсиев Хабибулла Аманович	«Узэлектртармоқ» УҚ	бош директор уринбосари
5	Таштанова Зульфия Нигмановна	«Узэлектртармоқ» УҚ	УҚ Иқ Пр бўлими бошлиғи
6	Джураева Насиба Мирвосидовна	«Энергосотиш» филиали	бош ҳисобчи ўринбосари
7	Юлдашев Козимжон	Андижон РВВС	бошлиқ
8	Мирсолихов Равшан Баходирович	«Энергосотиш» филиали	бўлим бошлиғи
9	Ибрагимова Гўзал Бахтияровна	“Узбекэнерго” АЖ	Иқт. Прог. Бошқ. етакчи мутахассис

10. “Ўзбекэнерго” АЖнинг жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидаги номзодлар сайлансин:

№	Исми ва фамилияси	Асосий иш жойи	Лавозими
1.	Алибеков А	Андижон РВВС	етакчи бухгалтер
2.	Юсупова Ш.	Андижон РВВС	етакчи иқтисодчи.
3.	Шукуров Н.Р.	«Узэлектртармоқ» УҚ	бош ҳисобчи ўринбосари

11. Жамият бош директори билан тузилган меҳнат шартномасини 2018 йил навбатдаги акциядорлар умумий йиғилишига қадар узайтириш масаласи “Узбекэнерго” акциядорлик жамиятининг 2017 йил 29 июнь РМ 215- сонли кўрсатмаси 4-бандига асосан қўшимча кўрсатма бўлгунга қадар кўрилмасин.

12. 2017 йил якуни бўйича тузилган жамият молиявий ҳисоботларини миллий стандартларга ҳамда жамиятнинг самарадорликларини муҳим кўрсаткичлар, самарадорликнинг йигинди кўрсаткичларини уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун 22 000, 0 минг сум, халқаро стандартларга (МХХС) асосан аудиторлик текширувидан ўтказиш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори 20 000,0 минг сум қилиб тасдиқлансин.

13. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси (структураси) га тавсия қилинаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 май “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси бўйича амалга оширилган ўзгартиришларга асосан ўзгартирилиши таъминлансин.

14. «Ижро органига номзодларни танлаш тартиб қондаси тўғрисида»ги Низом, «Кузатув Кенгаши, Тафтиш комиссияси ва Ижро органини рағбатлантириш тўғрисида»ги Низом, «Санок комиссияси тўғрисида»ги жамият Низомлари тасдиқлансин.

Йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

Йиғилиш раиси: _____ Х.А.Шамсиев

Йиғилиш котиби: _____ Д.Рахимжанова

Баённома имзоланган сана « 7 » июль 2017 йил.